Нодира ЭГАМБЕРДИЕВА

# ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИКА

*Ўзбекистон Республикаси*
*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан*
*дарслик сифатида чоп этишга тавсия этилган*

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2009

www.ziyouz.com kutubxonasi

74.6
Э18

**Тақризчилар:**
Ойниса Мусурмонова, педагогика фанлари доктори, профессор.
Холбой Ибрагимов, педагогика фанлари доктори, профессор.
Фарид Юзликаев, педагогика фанлари доктори, профессор.

*Мазкур дарслик олий таълим муассасаларининг педагогика ва психология йўналишида таълим олувчи талабалар учун мўлжалланган бўлиб, китобда ижтимоий педагогика фанининг шаклланиши, ривожланиш босқичлари, ижтимоий педагогика фанининг назарий асослари, ижтимоийлашув жараёнлари ва уларнинг шахс ривожланишига таъсири, ижтимоий педагогик фаолиятнинг моҳияти, мазмуни, ижтимоий педагогик фаолият турлари, шакл, метод ва воситалари каби масалалар ёритилган.*

ISBN-978-9943-06-189-7

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2009

www.ziyouz.com kutubxonasi

# МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ ........ 5

## I БОБ. ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИКА ФАНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МАДАНИЙ-ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Хорижда ижтимоий педагогиканинг ижтимоий фан сифатида ривожланиши тарихидан ........ 7
1.2. Ўзбекистонда ижтимоий педагогиканинг ривожланиши тарихи ........ 15

## II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

2.1. Ўзбек халқ педагогикасининг ижтимоий хусусиятлари ........ 34
2.2. Исломдаги маънавий ва ахлоқий ўгитларнинг ижтимоий мазмуни ........ 39
2.3. Миллий менталитет ва унинг ижтимоийлашувда тутган ўрни ........ 43
2.4. Маҳалла — ижтимоийлашувнинг анъанавий омили сифатида ........ 51
2.5. Ўзбекистонда замонавий босқичда ижтимоий педагогика ривожланишининг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий асослари ........ 59

## III БОБ. ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИКА ФАН СИФАТИДА

3.1. "Ижтимоий педагогика" тушунчасининг моҳияти ........ 67
3.2. Ижтимоий педагогика соҳалари ва вазифалари ........ 72
3.3. Ижтимоий педагогиканинг асосий категориялари ........ 76
3.4. Ижтимоий педагогика — амалий фаолият соҳаси сифатида ........ 80

www.ziyouz.com kutubxonasi

## IV БОБ. ИЖТИМОИЙЛАШУВ – ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК ҲОДИСА СИФАТИДА

4.1. Ижтимоийлашув тушунчаси, жараёни, воситалари, механизми, омиллари........ 85
4.2. Тарбия—ижтимоий институт сифатида........ 98

## V БОБ. ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ

5.1. Оила билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолият........ 106
5.2. Мактабгача ёшдаги болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолият........ 119
5.3. Ижтимоий педагогнинг мактаб ёшидаги болалар билан олиб борадиган фаолияти........ 126
5.4. Ота-она қарамоғида бўлмаган болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолият........ 140
5.5. Меъёрдан оғиш ва девиация — ижтимоий-педагогик муаммо сифатида........ 163
5.6. Девиант хулқ-атворли болалар билан ижтимоий-педагогик фаолият юритиш........ 168
5.7. Девиант хулқ-атворли болалар билан ижтимоий-педагогик амалиёт юритиш........ 174
5.8. Спиртли ичимликлар истеъмол қиладиган ўсмирлар билан ижтимоий-педагогик фаолият юритиш........ 186
5.9. Гиёҳвандлик — болалар девиант хулқининг шаклларидан бири сифатида........ 195
5.10. Ижтимоий педагогик фаолият методикаси ва технологиялари........ 201
ИЛОВАЛАР........ 210
АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ЛУҒАТИ........ 219

www.ziyouz.com kutubxonasi

# СЎЗ БОШИ

Ижтимоий педагогика, гарчи у аввалдан юртимизда "ижтимоий тарбия", "ижтимоий муҳофаза", "ижтимоий ёрдам" кўринишида мавжуд бўлган бўлса-да, педагогик билим соҳаси ва мустақил фан сифатида Ўзбекистонда XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб олий таълим муассасаларида ўқитила бошланди. Унинг республикамиз мустақилликка эришгунига қадар алоҳида мустақил фанга айланмаганлигини Ўзбекистон тарихий тараққиётида рўй берган мураккабликлар ва баъзи қарама-қаршиликлар билан изоҳлаш мумкин. Ижтимоий педагогиканинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган ҳодисаларга XX асрнинг 30-йилларида бошланган ижтимоий тарбиянинг дискредитациялашуви, маҳаллий олимлар ва педагогларнинг хорижлик ҳамкасбларидан ажратган "темир парда", умуминсоний қадриятларни синфий қадриятларга алмаштирилиши, ижтимоий муаммолар ҳақида "жим туриш" сиёсати, раҳмдиллик, меҳр-мурувват анъаналарининг эътибордан четда қолиши кабилар мисол бўла олади.

Бугунги кунда ижтимоий педагогикага қизиқиш жамият тараққиётининг эҳтиёжлари ва давлатнинг ижтимоий буюртмаси асосида юзага келди.

Ҳозирда, республикамизнинг барча соҳаларида бўлгани каби, таълим борасида ҳам катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий тузилмаларни инсонпарварлаштиришнинг янги тамойиллари, бозор иқтисодиёти муносабати қонунлари, мафкуравий ва ахлоқий тамойиллар ўзгариб бораётган бир пайтда ишсизлик, моддий етишмовчилик, болаларнинг назоратсизлиги, оилаларнинг ажралиб кетиши, ғайри ижтимоий ҳодисалар — алкоголизм, наркомания, жиноятчилик, фоҳишабозлик каби ижтимоий муаммоларни ечиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бундай ҳолатда ижтимоий ёрдам ва муҳофазага биринчи навбатда болалар, лекин шу билан бирга катталар ҳам муҳтождирлар.

Бундай шароитда жамиятнинг ижтимоийлашуви жараёнида шахснинг ижтимоий муаммолари билан боғлиқ бўлган педагогик



www.ziyouz.com kutubxonasi